Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 22 АПРЕЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 84 (13.147)

Баҳоси эркин нархда

Кўргазмалар

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари "BankExpo — 2016" IX миллий кўргазмаси ниҳоясига етди.

Мазкур кўргазма Президентимизнинг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ҳамда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги белгиланган вазифалар доирасида ушбу йилда ўтказилган энг муҳим тадбирлардан бири бўлди, дейиш мумкин.

Кўргазма мижозларни кредитлаш шартлари, механизмлари ва бошқа банк-молиявий хизматлар кўрсатиш тартиблари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси билан яқиндан таништириш, пировардида мижозларнинг банкларга бўлган муносабатини шакллантириш, ишончини мустаҳкамлаш ва кредит ташкилотлари фаолияти самарадорлигини яхшилашда беқиёс ўрин тутади.

Ўтказилган кўргазманинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган вазифалар, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари, оилавий бизнес, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган таълим муассасалари битирувчиларига таклиф этилаётган банк хизматлари юзасидан маълумот ва тавсиялар беришга қаратилган.

Икки кунлик кўргазма давомида 48 мингдан ортиқ тадбиркорлар, хорижий инвестор ва экспертлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, аҳоли ва пойтахтимиз меҳмонлари иштирок этди. Тижорат банкларининг мингдан ортиқ имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ва қимматбаҳо совғалар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

(Давоми 2-бетда)

Тошкент шаҳар Кенгашида

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Аввал хабар қилинганидек, кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн тўртинчи кенгайтирилган сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усманов олиб борди.

Унда "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ижроси юзасидан Шайхонтохур туманида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари, Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасининг фаолияти ҳамда шаҳардаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш ва бошқа масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Сессия кун тартибидаги биринчи масала бўйича, жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилиши юзасидан "Тошшаҳартрансхизмат" АК ва тизимдаги ташкилотларнинг фаолияти ўрганиб чиқилганлиги таъкидланди.

Ўрганиш натижаларига кўра, "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида, жумладан "Тошшаҳартрансхизмат" АК томонидан ижро этилиши қониқарли эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Ушбу масала юзасидан йўловчилар ташиш ишининг сифати устидан назоратни янада кучайтириш, бекатлар, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзилларини, бошқа объектларни жойлаштириш, қуриш ва ободонлаштириш масалаларини ҳал этишда аҳолининг, шу жумладан ногиронлар ва мактаб ўқувчилари ва болали йўловчиларнинг манфаатларини тўлиқ инобатга олиш лозимлиги белгиланди.

Йўловчиларнинг, шу жумладан, ногиронлар ва болали йўловчиларнинг транспорт воситасига чиқиши ва ундан тушишининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бекатлар ва тўхтаб ўтиш манзиллари ҳудудида жиҳозланган супачалар бўлиши лозимлиги ҳақида тегишли мутасадди идораларни жалб қилган ҳолда танқидий ўрганиб чиқиш кўрсатиб ўтилди.

Шаҳардаги йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, йўловчилар ташиш хавфсизлиги ва сифатини ошириш, қулай ва шинам автобуслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, транспорт ташкилотларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш, йўловчилар ташишни бошқаришга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

"Тошшаҳартрансхизмат" АК томонидан шаҳар йўловчилар транспортининг бир маромда ишлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини, транспорт воситалари ҳаракатининг хавфсизлигини, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талаблари бажарилишини таъминлаш чораларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги "Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан белгиланган устувор вазифаларни рўёбга чиқариш бўйича зарур чораларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

"Тошкент метрополитени" ДУК томонидан метрополитен объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни янада яхшилаш, эскалатор электр қисмлари ва ускуналарини электр энергиясини кам сарф қилувчи замонавий электрон ускуналарга алмаштириш, шунингдек йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эскалатор зиналари билан баллюстрада оралиғига ҳимоя воситаларини ўрнатиш зарурлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида илм-фан, ижод ва инновацион фаолият изчил қўллаб-қувватланаётгани самарасида халқимизнинг интеллектуал салоҳияти юзага чиқмоқда, мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон 1991 йилда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти аъзолигига қабул қилинган бўлса, 2005 йил 19 апрелдан Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси қоидалари юртимизда амал қила бошлади.

1886 йил 9 сентябрда Швейцариянинг Берн шаҳрида қабул қилинган мазкур конвенция фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солиш, муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир.

Мамлакатимизнинг мазкур конвенцияга қўшилиши муаллифлар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгаларига катта имкониятлар яратди. Айни пайтда муаллифларимиз асарларидан конвенцияга аъзо 170 дан зиёд давлат ҳудудида тегишли ҳуқуқларга риоя этилган ҳолда фойдаланилмоқда.

Берн конвенцияси аъзо давлатларда тўғридан-тўғри ёки унинг қоидаларини соҳага оид миллий қонунчиликда акс эттириш орқали қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил янги таҳрирда қабул қилинган "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунида муаллифлар манфаатлари ўз ифодасини топган. Хусусан, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганларнинг муаллифлик ҳуқуқи ҳамда ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ва эшиттиришларини ташкил этувчи турдош ҳуқуқлар эгалари ҳуқуқлари ҳимояси мустаҳкамланган.

Қонунга мувофиқ, муаллиф ҳуқуқи бузилган ҳолда унинг тикланишини ва етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли. Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг рухсатсиз тақрорланиши ёки тарқатилиши контрафакт нусха ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, мамлакатимиз ҳудудига қалбаки товарлар ноқонуний олиб кирилиши ва айланишига чек қўйиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Мазкур агентликдан олинган маълумотларга кўра, интеллектуал мулк объектига оид талабномалар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида олти мингдан зиёд интеллектуал мулк объектларига талабномалар бўйича давлат экспертизаси ўтказилган. Давлат реестрларида 2,6 мингдан ортиқ интеллектуал мулк объекти давлат рўйхатига олинган. Ундан ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, селекция ютуқлари, дастурий маҳсулотлар кенг ўрин олган.

Интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда мониторинглар ўтказилмоқда. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига оид маълумотлар қонуний чора кўриш учун тегишли идораларга юборилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига контрафакт аудиовизуал маҳсулотлар, фонограмма ва ЭҲМ дастурлари бўйича эксперт хулосалари берилаётир.

2016 йил 20 январда қабул қилинган қонун билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Божхона кодекси "Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш" деб номланган янги боб билан тўлдирилди. Унга кўра, божхона органлари ўз ваколатлари доирасида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Келгусида Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестри юритилади. Бунда ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига реестрга киритиш ҳақида белгиланган тартибда ариза беради. Унга интеллектуал мулк объектига бўлган ҳуқуқларнинг мавжудлиги ва мансублигини тасдиқловчи мавжуд ҳужжатларнинг (патентнинг, гувоҳноманинг, лицензия шартномасининг ёки бошқа ҳужжатларнинг) ҳуқуқ эгаси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхалари илова қилинади.

Ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилганидан кейин интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун божхона органларига божхона назорати остида турган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш бўйича чоралар кўрилиши учун мурожаат қилиши мумкин.

Божхона органлари ходимлари божхона расмийлаштируви ва божхона назоратини амалга оширишда ҳуқуқ эгаси томонидан контрафакт деб кўрсатилган товарлар аниқланса, ҳуқуқ эгасига ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини бериш учун бундай товарларнинг чиқарилишини тўхтатиб туради.

Буларнинг барчаси халқимизнинг маънавий ва моддий манфаатларини таъминлаш, интеллектуал мулкни ривожлантиришга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА шарҳловчиси

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуидаги тарғибот тадбирида таниқли санъаткорлар, шоир-ёзувчилар, олимлар ва ёшлар иштирок этди.

● Андижон вилоятининг Марҳамат туманида маҳсулотларни сертификатлаштириш, сифат тизимини жорий этиш, газ ва электр энергияси сарфини ҳисобга олиш жиҳозларини қиёслашдан ўтказиш тартибларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Хоразм вилояти Янгибозор туманида Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорликда ташкил этилган намунавий интенсив боғнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Фермерлар кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги, вилоят давлат ўрмон хўжалиги, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ва боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

● Чирчиқ шаҳрида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди. Иштирокчилар ҳарбий спорт турлари, саф кўриги, умумсиёсий ва жисмоний тайёргарлик, мерганлик, ҳарбий топография каби 16 шарт бўйича ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Уругвайда кучли жала қуйиши натижасида келиб чиққан сув тошқинлари ва торнадо туфайли етти киши ҳалок бўлган, 2057 нафар киши ўз уйини тарк этган. Мамлакатнинг бир қанча ҳудудлари электр қувватидан узилиб қолган.

● БМТ Бош котибининг расмий вакили Стефан Дюжарикнинг маълум қилишича, қуролланган жангарилар Эфиопиянинг ғарбидаги қишлоқлардан юзга яқин болани ўғирлаб кетган. Ҳозирда БМТ ходимлари вазиятни баҳолашмоқда ва жабр кўрганларга ёрдам беришга тайёр. Эфиопия ҳукумати эса ўғирланган болаларнинг озод этилишига ҳаракат қилмоқда.

● Италиянинг Giorgio Armani S.p.A компанияси президенти Жоржио Армани ўз компаниясини махсус ташкил этилган жамғарма ихтиёрига топширишни кўзда тутмоқда. Ушбу жамғарма компания фаолияти билан бевосита шуғулланмай, юридик нуқтаи назардан бизнеснинг боришини назорат қилиб туради. Арманининг айтишича, компания бошқарувига ижодиёт ва тижорат соҳасидаги иқтидорли кишиларни шахсан ўзи танлаб олади.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, бугунги кунда 131та йўналишда фаолият юритаётган 9 та автосаройга тегишли автобуслар марказий нозимлик хизмати томонидан он-лайн тарзда кузатув олиб борилаётгани таъкидланди.

ДУКнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, ҳаракат таркибини модернизациялаш ва замонавий муҳандис-техник воситалар билан жиҳозлаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти тизимида аниқланган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш чоралари белгиланди.

Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом талабларига қатъий риоя қилиш, лицензиялаш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришда "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ интерактив давлат хизматларини янада такомиллаштириш чоралари кўрилди.

Шунингдек, сессияда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Шайхонтоҳур туман ҳокимининг ҳисоботи тингланди.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасида ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепциясининг бажарилиши бўйича Шайхонтоҳур туманида эришилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифаларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш чоралари белгиланди.

Жумладан, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ҳамда маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда талаб қилинишини танқидий таҳлил этиш асосида, айрим корхоналар бўйича йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Туманда жойлашган корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш, ишлаб чиқарилаётган экспорт маҳсулотлари ҳажмлари ва турларини кўпайтириш, таркибий қайта ўзгартиришлар жараёнларини янада чуқурлаштириш, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича "йўл хариталари"ни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

2016-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастурининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

Туманда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг туман иқтисодиётидаги улушини ошириш, ушбу соҳа вакилларига кредит масалаларини ҳал этишга, қабул қилинаётган қарорлардаги уларга берилаётган имтиёзларни кенг тушунтириш, мулоқот, семинарлар ўтказиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш вазифалари белгиланди.

Тегишли тузилмалар билан биргаликда коммунал хизматлар, айниқса, аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишнинг замонавий механизмларини ва самарали тузилмаларни яратиш, кўп қаватли уй-жой фондларини бошқариш ишларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларни қайтадан кўриб чиқиш кўрсатиб ўтилди.

Касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳисобига 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини барча йўналишлари бўйича тўлақонли бажарилишини таъминлаш белгиланди.

Кун тартибидаги масала бўйича Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармасининг фаолияти кўриб чиқилиб, тизимда фаолият юритаётган босма ахборот воситалари, матбаа корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, шаҳар ижтимоий-сиёсий газеталарининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, ададини кўпайтириш, уларга ёш кадрларни кўпроқ жалб қилиш, мазкур нашрларнинг мазмун мундарижасини бойитиш чораларини кўриш таъкидланди.

Шунингдек, матбаа ва ноширлик соҳасидаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг амалиётларини ташкил этиш ҳамда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, китоб тарғиботини янада кучайтириш мақсадида мактаблар, лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёзувчи ва шоирлар билан мулоқотлар, янги нашр этилган китоблар тақдимотларини ўтказиб боришни йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Ҳудудда фуқароларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, аҳолининг, энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий ва маданий даражасини ошириш манфаатларини кўзлаб оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаачилик ишларини ривожлантиришга кўмаклашишни таъминлаш вазифалари юкланди.

Бундан ташқари, сессияда Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектларни қайта номлаш масаласи атрофлича кўриб чиқилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ф.Дадахўжаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси З.Низамходжаев ва Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор С.Баратовалар иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси О.Содиқов, Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи М.Маҳмудов, Шайхонтоҳур тумани ҳокими М.Мирқосимов, Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи А.Акромовларнинг ҳисоботлари тингланди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг бўлиб ўтган ўн тўртинчи кенгайтирилган сессиясида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Э.ИСМАТУЛЛАЕВ

Ҳуқуқий маслаҳат

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИГА САЙЛОВЛАР — МУҲИМ ЖАРАЁН

— Фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) ўтказиш тартиби қандай?

— Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи гуруҳнинг раҳбари раислигида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) кун тартибига, қоида тариқасида, қуйидаги масалалар киритилади:

саноқ комиссиясини сайлаш;

фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш;

фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчиларини сайлаш.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) иш регламенти, шу жумладан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг маърузалари, уларнинг муҳокамаси, саволлар ва жавоблар учун вақт белгиланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан камида уч кишидан иборат таркибда саноқ комиссияси сайланади.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларни эълон қилади. Шундан сўнг фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ҳар бирига сўз беради.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг маърузаси алифбо тартибида ўтказилиб, номзодлар ўзининг келгуси фаолият дастурини эълон қилади.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда овоз бериш шакллари қай тариқа амалга оширилади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.

Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

— Овоз беришни ўтказиш тартиби қай тарзда белгиланган?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови очиқ овоз бериш орқали ўтказилаётганда овоз бериш ҳар бир номзод бўйича қўл кўтариш йўли билан ўтказилади. Бунда фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларни алифбо тартибида овозга қўяди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар бўйича овоз бериш ўтказилганидан кейин, фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчилари лавозимига номзодларни алифбо тартибида овозга қўяди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларига саноқ комиссияси томонидан сайлов бюллетенлари (бундан буён матнда бюллетень деб юритилади) берилади.

Бюллетенга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлашда бюллетенларни бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади.

Бюллетень овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи бюллетеннинг ўнг томонида ўзи ёқлаб овоз бераётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси лавозимига номзоднинг фамилияси қаршисида жойлашган бўш квадратга белги-крестик қўяди.

Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин саноқ комиссияси томонидан очилади.

Бюллетенларнинг намуналари ва шакллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

— Овозларни санаб чиқиш жараёни қандай амалга оширилади?

— Овозлар саноқ комиссияси томонидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига ҳар бир номзод бўйича санаб чиқилади.

— Саноқ комиссиясининг баённомаси қандай тузилади?

— Овозларни санаш натижалари бўйича саноқ комиссияси томонидан баённома тузилади ва баённома саноқ комиссиясининг раиси ҳамда аъзолари томонидан имзоланади.

Саноқ комиссиясининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларининг умумий сони;

овоз беришда қатнашган фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларининг сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида бюллетень олган фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларининг сони;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони.

Саноқ комиссиясининг баённомаси саноқ комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан тасдиқланади.

Мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, касб-ҳунар ўргатиш, тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ўз ҳаёт йўлларини топишида яқиндан кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

Шу боис юртимизда ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук инсон этиб вояга етказиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишларда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳасини ташкил этган бўлиб, ундан кўзланган мақсад ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларни бу соҳадаги билим ва кўникмаларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш орқали бандликни таъминлаш, ёш оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини яхшилаш, шунингдек, юртимизда кичик бизнесни ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Лойиҳа доирасида бир қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, ёшларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишларини шакллантириш, бу борадаги билим ва кўникмаларини бойитиш, ҳуқуқий онгини юксалтиришга доир тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтган ўқув-семинари ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

Унда иштирокчиларга лойиҳанинг ўтказилиш тартиби, анкеталарнинг йиғилиш жараёни, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, бозорни ўрганиш ва сегментлаш, тижорат банкларининг кредит сиёсати, имтиёзли кредитлар, кредит таъминоти, фоизлари, муддатлари ҳақида маълумотлар берилди.

– Бугунги кунда давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, хусусан, ёшларни бунга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси Азиза Рахматуллаева. – Мана бундай тадбирлар, ташкилотимиз томонидан ўтказиладиган лойиҳалар ёшларимизни ушбу соҳага бўлган қизиқишини орттиради ҳамда уларнинг бизнес фаолиятини бошлашида туртки бўлиб хизмат қилади.

Равшан ЮНУСОВ

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўргазма давомида меҳмонларда замонавий ахборот технологиялари асосида янги хизматлар, жумладан депозит турлари ва кредит маҳсулотлари алоҳида қизиқиш уйғотди, улар юзасидан батафсил маълумот олишди. Тақдим этилган инновация банк технологиялари мижозлар кўз ўнгида банк тизимининг юзи ва салоҳиятини аниқлаб берди.

Ушбу ўтказилган тадбир юртимизда банк тизимининг мижозлар талабларини мос равишда илғаб олаётгани, унинг юқори даражада хизмат кўрсатишга, банк хизматлари турини оширишга бўлган интилишини ёрқин гавдалантирди. Мазкур анжуманга ташриф буюрган эксперт ва мутахассислар бугунги кунда банк фаолияти ва молиявий хизматларнинг барча жабҳалари автоматлаштирилганига, шу билан бир вақтда кредит ташкилотларининг рақобатбардошлигини таъминлайдиган омиллардан бири — унинг ривожланиш истиқболларига ишонч ҳосил қилдилар.

Тадбирда кичик ва оилавий бизнес вакиллари, ёшлар бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун банк тизимида яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар, хусусан банк хизматлари, кредитлаш тартиблари ва яратилган имтиёзлар билан таништирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон банклар Ассоциациясида ташкилотчилар томонидан таъсис этилган номинациялар бўйича ғолиб банкларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ва микрокредитлар ҳажмининг ўсишини таъминлаган тижорат банкларининг ҳуддудий бўлинмалари ўртасида "Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаётган энг яхши ҳудудий банк филиали" номинацияси бўйича "Ипотека банк" АТБнинг Сергели филиали, "Ориент финанс" ХАТБнинг Яккасарой филиали, АТ "Халқ банки"нинг Бўстонлиқ филиали ғолиб деб топилди.

Кўргазманинг ёпилиш маросимида сўзга чиққанлар, анъанавий "BankExpo" миллий кўргазмасига ташриф буюраётганлар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани, банк тизимининг салоҳиятини намойиш этишда ўзига хос бир майдон бўлаётгани ва аҳолининг банк хизматларидан хабардорлик даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

З.ШАРИФЖОНОВ



Ёлқин Шамсиддинов олган суратлар

Реклама ўрнида

IPOTEKA BANK

Юртимизда ёшларга яхши таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ўз бизнесини йўлга қўйиши ҳамда ҳаёт йўлини топишида яқиндан кўмаклашишга катта эътибор қаратилмоқда.

ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Кўплаб ёшларимиз бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, касб-ҳунар коллежини тамомлагач тадбиркорлик билан шуғулланишмоқда. Зангиота туманида фаолият олиб бораётган якка тартибдаги тадбиркор Шоюсуф Тўлқинов ана шундай ёшларимиздан.

– 2015 йилда Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини тамомлаб ўзимни тадбиркорлик фаолиятида синаб кўриш мақсадида Зангиота тумани ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидан рўйхатдан ўтдим, – дейди Ш.Тўлқинов. – Бу орқали ноозиқ-овқат товарларини чакана сотиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдим. Ҳозирда мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланмоқдамиз. Республикамизда банкларнинг молиявий ресурс базаларини кенгайиб бориши биз тадбиркорларга кенг имкониятлар яратмоқда. Жорий йилнинг февраль ойида айланма маблағларни тўлдириш мақсадида "Ипотека банк"нинг Зангиота филиалидан 13 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағини олдим. Мазкур маблағ эвазига иш фаолиятимиз икки ҳисса ривожланди. Бугунги кунда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз савдо дўконимиз орқали аҳолига қулай бўлган нархларда сотилмоқда.

Бундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, давлатимиз томонидан ёш тадбиркорларга берилаётган имкониятлар, тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит маблағлари ёш тадбиркорларга суянч бўлмоқда.

Абдували СОДИҚОВ

Хизматлар лицензияланган



ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 25

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
7.35 "Қишлоқ ҳаёти".
8.00 "Таҳлилнома".
8.40 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
9.10 2016 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
9.30 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
10.05 "Иқлим".
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Менинг боғим".
11.30 "Кўнгил ободлиги".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Тадбиркорлар телеклуби". Ток-шоу.
13.40 "Тақдир ҳукми". Теленовелла.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
14.45 "Обод шаҳрим".
15.15 "Иқлим".
15.30 "Бизнес старт".
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қорачиқ".
17.30 "Суҳбатдош".
17.45 "Руҳшунос". Т/с.
18.30 "Имконият".
18.50 "Иқлим".
18.55 Миллий сериал: "Таваллуд".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги сароблари". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 00.05 "Кўл бўйидаги уй". Б/ф.
00.05 Миллий сериал: "Таваллуд".
00.35 "Қорачиқ".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Заковат".
3.30 "Менинг боғим".
3.50 "Шарқ тароналари".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар
6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Афсона ва ҳақиқат".
7.00 "Табиб". Т/с.
7.50 "Ўзбек адабиёти".
8.00 "Шарқ гавҳари".
8.30 "Анна Каренина". Б/ф. 1-қисм.
9.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Мўъжизавий дунё".
12.00 "Пазанда". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Аёл таровати". Б/ф.
15.50 "Телетуҳфа".
16.00 "Давр".
16.10 "Алиса". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Қизлар мактаби".
17.30 "Гумбаз остида". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Оналар мактаби".
21.00 "Шаҳзода". Т/с. Премьера.
21.50 "Хотира саодати".
22.00 "Давр".
22.30 "Поттер хоним". Б/ф.
00.10 "Афсона ва ҳақиқат".
2.50 "Сеҳрли қўллар".
3.50 "Навоийга таъзим".
4.50 "Кўҳна ва боқий".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент
5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Ҳаёт валси". /Якунловчи/.
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Элиза". Т/с.
11.15 "Обод хонадон".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.15 Миллий сериал: "Ҳаёт валси". /Якунловчи/.
12.50 "Poytaxt-Hi-tech".
13.15 "Телетаҳлил".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.10 "Довюрак". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Ҳимоя".
18.50 "Poytaxt-intervyu".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
21.30 "Poytaxt-eko".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Стажер". Х/ф.
00.15 "Ҳикматли дунё". "Қалб".
1.00 "Poytaxt-eko".
1.10 "Бахт қўрғони".
1.45 "Пойтахт-авто".
2.10 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
2.35 "Мен сизга айтсам".
3.35 "Эртамиз эгалари".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт
6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.30 "Орзулар кемаси".
7.00 "Sport online".
8.00 Талқин.
8.35 Интерфутбол.
10.20 "Спорт сайёраси".
10.40 Дзюдо. Европа чемпионати.
11.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.00 Теннис.
14.00 Хабарлар.
14.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Олмалиқ" (Олмалиқ) – "Навбаҳор" (Наманган)
16.00 Оғир атлетика. Осиё чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 Хабарлар.
18.55 "Спорт-маркет".
19.00 Оғир атлетика. Осиё чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда Хабарлар.
21.00 "ФИФА". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" – "Металлург".
00.05 Профессионал бокс.
1.00 Хабарлар.
1.25 Велоспорт.
2.20 "Шоҳсупага йўл".
3.05 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
5.05 – 6.00 Теннис.

Маҳалла
6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
6.35 "Ораста бекажон".
7.00 Миллий кино. "Эркаклар фасли".
8.20 "TV анонс".
8.25 "Теран илдизлар".
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 "Тантиқишлоқ ҳангомалари". Спектакль.
10.15 "Маҳалламиз спортчилари".
11.05 "Фотокўзгу".
11.10 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
12.05 "Мисли гавҳар".
12.30 "Мўъжаз Ватан".
12.55 Кун нафаси.
13.00 Миллий кино. "Танка".
14.10 "Кўнгилдаги гаплар".
15.00 Миллий сериал. "Дил пайванди".
15.35 "Турфа маслаҳат".
15.55 Кун нафаси.
16.00 Миллий сериал. "Жийда гули".
16.35 "Соғлом турмуш".
17.00 "TV анонс".
17.05 "Идрок харитаси".
17.30 "Фотокўзгу".
17.35 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал. "Имтиҳон".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Чироғи ёниқ уй".
20.00 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "О Марям, Марям".
22.35 "Табиат шифохонаси".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Ён қўшним-жон қўшним".
23.35 "Обод манзиллар".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
00.35 "Икки йўл орасида".
1.00 Миллий кино. "Танка".
2.10 "Иш билганга минг танга".
2.35 "Мўъжаз Ватан".
3.00 Миллий сериал. "Дил пайванди".
3.35 "Аждодлар хазинаси".
4.00 Миллий сериал. "Жийда гули".
4.35 "Фермер".
5.05 – 6.00 "Бола бошидан".

Болажон
7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.20 "Рассом болажон".
8.50 "Мультипанорама".
10.10 "ABC-kids".
10.30 "Bravo English!"
11.00 "Мультипанорама".
12.40 "Story time".
12.50 "Табиатга саёҳат".
13.10 "Боғбон болажон".
13.30 "Сеҳрли қўллар".
13.40 "Табиатшунос болажон".
14.00 "Эртаклар оламида".
15.30 "Ланди-ланди".
15.40 "Қувноқ алифбо".
16.10 "Болалар учун фильм".
17.20 "Миттивойлар мусобақаси".
17.40 "Болажон орзуси".
17.50 "Ўйинқароқ болалар".
18.00 "Болажон ошхонаси".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "До-ми-соль".
19.50 "Қувноқ стартлар".
20.10 "Мультипанорама".
21.00 "Саргузаштлар ороли".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр
6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Ўрдаккўл воқеаси". Б/ф.
7.10 Миллий кино. "Қочқин".
9.00 Саргузашт фильмлар экрани. "Қутқарувчи".
11.10 "Пик Данте". Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Қишлоқ".
13.45 "Сен ухлаётганингда". Б/ф.
15.30 Болалар экрани. "Оқдельфин".
17.00 "Аппалуза". Б/ф.
19.00 "Ёз ифори". Т/с.
20.05 Миллий кино. "Кўз ёшим".
21.15 "Ҳафта юлдузи". Роберт Редфорд.
21.35 Жаҳон киноси. "Африкадан қайтиш".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Последний киногерой". Х/ф.
2.05 "Арсен Люпен". Б/ф.
4.10 "Мулоқот". Қисқа метражли фильм.
4.35 – 6.00 Миллий кино. "Юлдузингни бер, осмон".

ЧОРШАНБА, 27

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
7.35 "Боғаро". Х/ф.
7.50 "Иқлим".
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
9.10 "Сув ости дунёси". Х/ф.
9.25 "Минг бир жон". В/ф.
10.40 "Иқлим".
10.45 "Сарҳад билмас дўстлик".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Таваллуд".
11.40 "Агроолам".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Имконият".
14.35 "Қалб гавҳари".
15.15 "Қишлоқ ҳаёти".
15.35 "Иқлим".
15.50 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
16.35 "Нигоҳ".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сен ёлғиз эмассан".
17.25 "Парламент ҳаёти".
17.40 "Руҳшунос". Т/с.
18.25 "Менинг боғим".
18.45 "Иқлим".
18.55 Миллий сериал: "Таваллуд" (якуний)
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Учбурчак". Ток-шоу.
22.30 – 00.05 "Унутилган орзулар". Б/ф.
00.05 Миллий сериал: "Таваллуд".
00.35 "Менинг боғим".
00.50 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Аёллар машмашаси". Спектакль. 2-қисм.
3.15 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
4.00 "Ахборот".
4.35 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
5.05 – 5.55 "Учбурчак". Ток-шоу.

Ёшлар
6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Афсона ва ҳақиқат".
7.00 "Табиб". Т/с.
7.50 "Ўзбек адабиёти".
8.00 "Шарқ гавҳари".
8.30 "Тақдир эшиги". Б/ф.
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Мўъжизавий дунё".
12.00 "Шаҳзода". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Алвон елканлар". Б/ф.
14.40 "Давр мавзуси".
15.00 "Мангу хотира".
15.10 "Оналар мактаби".
15.50 "Фарғоний".
16.00 "Давр".
16.10 "Алиса". Т/с.
17.00 "Форобий".
17.10 "Автопатруль".
17.30 "Гумбаз остида". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Шаҳзода". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Фантастик тўртлик". Б/ф.
00.10 "Афсона ва ҳақиқат".
2.50 "Дугоналар".
3.30 "Ўзингни ўзинг асра".
4.00 "13-студия".
4.30 "Навоий хазинаси".
5.00 "Муҳаммад Юсуф".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент
5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Фидойилар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Элиза". Т/с.
11.15 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
11.40 "Эртамиз эгалари".
12.15 Миллий сериал: "Фидойилар".
12.50 "Poytaxt-avto".
13.15 "Обод хонадон".
13.35 "Мобиль камера".
13.45 "Poytaxt-madaniyat".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.10 "Марсга саёҳат". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Кинотақдим".
18.45 "Poytaxt-reportaj".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Тошкент вақти".
21.50 "Телемаркет".
22.20 "Гол-2". Х/ф.
00.05 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
00.35 "Ҳикматли дунё". "Кўнгил".
1.00 "Poytaxt-avto".
1.15 "Бахт қўрғони".
1.45 "Poytaxt-madaniyat".
2.10 "Пазанда".
2.40 "Мен сизга айтсам".
3.20 "Пойтахт- Hi-tech".
3.35 "Кадр ортида".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт
6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Камолот спорт".
6.40 "Техноспорт".
7.00 "Sport online".
8.00 Хабарлар.
8.15 Футзал. Уефа кубоги. 3-ўрин учун.
9.45 "Спорт сайёраси".
10.00 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.00 Теннис.
14.00 Хабарлар.
14.15 Футбол. Аёллар. Суперкубок. "Севинч" (Қарши) – "Металлург-W" (Бекобод)
16.00 Оғир атлетика. Осиё чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Универсиада".
18.30 Хабарлар.
19.00 Оғир атлетика. Осиё чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.55 "Спорт-маркет".
21.00 Хабарлар.
21.25 "Соғлом турмуш сари".
22.10 Футзал. Уефа кубоги. Финал.
23.50 "Техноспорт".
00.05 Велоспорт.
1.00 Хабарлар.
1.25 Автомотоспорт.
2.20 "Соғлом турмуш сари".
3.05 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
5.05 – 6.00 Теннис.

Маҳалла
6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
6.35 "Фотокўзгу".
6.40 "Турфа маслаҳат".
7.00 Миллий кино. "Катта ҳовли".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Очиқ дарс".
9.00 Миллий сериал. "Имтиҳон".
9.30 "Саодатли умр".
10.00 "Шарқона маскан".
10.30 "Обод манзиллар".
11.05 "Ён қўшним-жон қўшним".
11.30 "Фотокўзгу".
11.35 "Аслидек асрайлик".
12.05 "Маҳалламиз болалари".
12.25 "Кучли фуқаролик жамияти сари". (Махсус)
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Бардош".
14.10 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Дил пайванди".
15.35 "Табиат шифохонаси".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
16.40 "Қадр топган қадриятлар".
17.05 "Чироғи ёниқ уй".
17.35 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Обод юрт одамлари".
18.25 "TV анонс".
18.30 "Таҳлил ва талқин".
19.00 Миллий сериал. "Имтиҳон".
19.30 "Соғлом оила".
20.00 "Шукрона".
20.25 "Қишлоқ қўйнидаги бахт".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Кореялик келин".
22.30 "Қайнона бисотидан".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Қариси бор уй".
23.35 "Етти хазина".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
00.35 "Мисли гавҳар".
1.00 Миллий кино. "Бардош".
2.10 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
3.00 Миллий сериал. "Дил пайванди".
3.35 "Теран илдизлар".
4.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
4.40 "Қадр топган қадриятлар".
5.05 – 6.00 "Маҳалламиз спортчилари".

Болажон
7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.20 "Рассом болажон".
8.50 "Мультипанорама".
10.10 "ABC-kids".
